



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 11 декабрь, № 256 (7486) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда ҳоҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлла қилинади.

#### Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 10 декабрь  
№ УҒҚ—591

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида (янги тахрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мақоми

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимига раҳбарлик қиладиган коллегиал органдир.

(Давоми 3, 4-бетларда).

## ҚУЙИ ЧИРЧИҚДАГИ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

туман аҳлини мамнун этмоқда



Кейинги йилларда Қуйи Чирчиқ туманида кенг қўламли қурилиш юмушлари бажарилиб, замонавий ишхошлар барпо этилди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг 2019 йил 1 — 3 июнь кунлари пойтахт вилоятга ташрифи давомида берган топшириқлари бўйича ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» асосида амалга оширилди.

### Президент ташрифидан сўнг

Фойдаланишга топширилган қўшмақаватли Отажонов кишлоқ врачлик пункти биноси янги ишхошлардан биридир. Туман тиббиёт бирлашмасидан 30 километр узоқликда жойлашган бу масканда 3692 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур барча шарт-шароит яратилган.

Ана шундай кўракма билан бинолардан бирида тадбиркор Муроджон Қўчқоров бизнес фаолиятини йўлга қўйиб, 50 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Яқин кунларда ишчилар сонини ўз нафарга етказилиши режалаштирилган қорхонада бежирим либослар тикилмоқда. Худди шундай яна бир лойиҳа «Пахтазор» МФИда рўйга чиқарилди. Мазкур «White Tex Group» МЧЖда айни пайтда 120 киши меҳнат қилмоқда.

— Қорхонамиз кийим-ке-

чаклар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, йиллик даромадимиз ўртача 1 миллион 708 минг АҚШ долларини ташкил этмоқда, — дейди қорхона раҳбари Жўрабек Қўлназаров. — Биз ҳозирги натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Қўшимча тармоқларни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратиш, даромадимизни кўпайтириш ниятидамыз. Мисол учун, яқин келажақда ипакчилик кластерини ташкил этамиз. Бунинг учун 30 гектарлик туззор, 10 000 қути ипак қурти парвартишга мўлжалланган пиллаҳона, йилгига 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика қуриш режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 4,7 миллион АҚШ долларига тенг. Маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

«Беруний» МФИда ташкил этилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси нафақат туман, балки вилоят дехқон ва фермерлари бу йил қўлга киритган ютуқларининг кўзгусига айланди...

Тумандаги ибратли ташаббуслардан яна бири тадбиркор Шерзод Субанов томонидан илгари сурилиб, Ёшлар инновацион маркази ташкил этилиши бўлди. Бу ерда рус, инглиз, корей тилларини ўргатиш, компьютер ўқув курслари, спорт-соғломлаштириш клуби, 3 000 китоб фондига эга кутубхона ишлаб турибди. Ёшлар марказининг ёнгинасида эса яна бир замонавий қорхона — «Shoy teng business» МЧЖ ишга туширилди. Бу заминимизда етиштирилган пахта ни ўзимизда тўлиқ қайта ишлаб, хорижга тайёр

маҳсулотлар чиқариш бўйича олимизга қўйилган эзгу мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

— Айни пайтда ойига 45 мингта кийим-кечак экспорт қиляпмиз, — дейди қорхона раҳбари Фахриддин Юсупов. — Ҳозирча маҳсулотларимизни Россияга жўнатаётган бўлсак, тез орада Беларус ва Украина давлатларига ташқи савдонини йўлга қўямиз.

Байрам тадбирлари тумандаги «Беруний» МФИда очилган янги Маданият марказида давом этди. Санъат усталари иштирокида концерт дастури йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади.

Шодиёр МУТАҲАРОВ

«Халқ сўзи»

Ҳасим ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

## СОЛИҚ КОДЕКСИГА ОИД ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида муҳим масалалар қаторида «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

### Парламент ҳаёти

Қайд этилганидек, Президентимизнинг тегишли Фармони ҳамда Олий Мажлиси Мурожаатномасида илгари сурилган вазифалар ва тақлифлар асосида ишлаб чиқилган янги тахрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси ўтган даврда кенг муҳокамадан ўтказилди. Аввало, парламент қўйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ҳамда бир неча маротаба ишчи гуруҳлар йиғилишларида, сўнгра қўлла ташкилот ва маурасаларда мутахассислар, экспертлар иштирокида таҳлил этилди.

Муҳокамапарламентдан худудларга кўчи, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, мутахас-



сислар, экспертлар, тадбиркорлар ва йирик солиқ тўловчилар иштирокида туркум семинарлар ташкил қилинди. Уларда лойиҳанинг ҳар бир нормаси иқтисодийнинг барча жабҳасида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, пировардида мамлакат ривож ва халқ манфаати устуворлигини таъминлаш нуқтаси назардан кўрилди.

Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳокамапарламентда келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар инobatга олиниб, 70 дан зиёд тахрирларга кўчи, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, мутахас-

сийлар, экспертлар, тадбиркорлар ва йирик солиқ тўловчилар иштирокида туркум семинарлар ташкил қилинди.

Уларда лойиҳанинг ҳар бир нормаси иқтисодийнинг барча жабҳасида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, пировардида мамлакат ривож ва халқ манфаати устуворлигини таъминлаш нуқтаси назардан кўрилди.

Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳокамапарламентда келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар инobatга олиниб, 70 дан зиёд тахрирларга кўчи, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, мутахас-

сийлар, экспертлар, тадбиркорлар ва йирик солиқ тўловчилар иштирокида туркум семинарлар ташкил қилинди.

Уларда лойиҳанинг ҳар бир нормаси иқтисодийнинг барча жабҳасида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, пировардида мамлакат ривож ва халқ манфаати устуворлигини таъминлаш нуқтаси назардан кўрилди.

Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳокамапарламентда келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар инobatга олиниб, 70 дан зиёд тахрирларга кўчи, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, мутахас-

сийлар, экспертлар, тадбиркорлар ва йирик солиқ тўловчилар иштирокида туркум семинарлар ташкил қилинди.

Уларда лойиҳанинг ҳар бир нормаси иқтисодийнинг барча жабҳасида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, пировардида мамлакат ривож ва халқ манфаати устуворлигини таъминлаш нуқтаси назардан кўрилди.

Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳокамапарламентда келиб тушган тақлиф ва мулоҳазалар инobatга олиниб, 70 дан зиёд тахрирларга кўчи, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, мутахас-

## САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда «Адолат» социал-демократик партияси номидан «Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида тутган ўрнини янада юксалтирамиз» сарлавхали саҳифа эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

### АХБОРОТ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Кенгаш мажлисининг очар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган долзарб масалаларнинг амалга оширилиши борасида сенаторларнинг масъулияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йилгира бешинчи ялпи мажлисини жорий йил 14 декабрь куни қабул қилинди.

Ялпи мажлисида сенаторлар мамлакатимиз демократик тараққийнинг ялпи босқичида амалга оширилаётган ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳамда муҳим масалаларни муҳокама қилади. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Навоий вилояти ҳокимининг худудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилади.

Сенаторлар сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини ҳам муҳокама қилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг йилгира бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди.

Кенгаш томонидан Сенат қўмиталарига ялпи мажлисда муҳокама этиладиган масалаларни тайёрлашда худудлар аҳолисини ташвишга солаётган муаммоларни очиб бериш, шунингдек, уларни ҳал этиш бўйича ижро ҳокимияти органлари учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш топшириги берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

### Шукуҳ

## МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ИФТИХОР РАМЗИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда давлатимиз мадҳияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Давлатимиз мадҳияси мамлакатимиз суверенитетининг рамзидир. У иттиқдорликнинг ҳаётий шаклидир, ўзгичликнинг тарихий хотираси ва асрий оруз-умидларини англатади.

Пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» санъат саройининг марказий майдонида

## Янгилаётган Ўзбекистон:

# ЯНГИ ҒОЯЛАР, ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Жаҳон тажрибасидан маълумки, Конституция ва қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш — ҳар бир ҳуқуқий демократик давлатнинг асосини ташкил этувчи, унинг тараққийёт даражасини белгилувчи энг асосий мезонлардан бири.

### Муносабат

1992 йил 8 декабрда давлатчилигимиз тарихи ҳамда халқимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа юз берди: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Мустақил ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган Ўзбекистон умуминсоний тамойилларга асосланган ҳолда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этди.

Халқимизнинг азалий орзу-умидлари ва интилишлари рўйга чиқишига мустаҳкам замин яратган Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганнинг 27 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Пойтахтимизда ушбу қутлуғ сана муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, маъруза қилди. Шу ўринда, том маънодаги ушбу тарихий маъруза кенг жамоатчилигимиз билан бир қаторда, халққаро ҳамжамият ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотгани, айни пайтда унда билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокама қилинган давом этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

«Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституция- миз шахс, жамият ва давлат ўрта-

Халқ қабулхоналари — давлат ва халқ ўртасидаги ишонч кўприги

Сўнгги уч йилда юртимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасини эркинлаштириш, шу жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда гапирганда, аввало, Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган ва илчил амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси доирасида халқ билан мулоқотнинг янги шакл ва воситалари, жумла-

дан, Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона, Бош вазир қабулхонаси, масъул ва мутасадди раҳбарларнинг халқ депутатлари вакиллик органларидаги ҳисоботлари, сайёр қабуллар, ижтимоий муаммоларни, одамларнинг яшаш шароитларини бевосита жойларга чиқиб ўрганиш каби усуллар кенг қўлланаётганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Халқ билан мулоқотнинг ушбу ўзига хос миллий модели, пировард натижада аҳоли манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилган ҳолда, давлат ва жамият ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини бажаряпти.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг», «Адолат — қонун устуворлигида», «Бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир»



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида (янги тахрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

#### 4-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, коллегиялик, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ва ҳамкорлиги, шунингдек очкилик ва шаффоқлик Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплариدير.

#### 2-бoб. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби

#### 5-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзолари – Ўзбекистон Республикаси Бош вазиридан (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарларидан, вазирлардан, давлат кўмиталари раисларидан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича қиради.

#### 6-мoдда. Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартиби

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир лавозимига тақдим этилган номзодни кўриб чиққанدىн кейин ўн кулик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақлиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатда ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди, агар уни ёқлаб тегизишча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берса, тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш чоғида Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасида ёки Сенатда Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан кейин Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазирнинг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимономасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзод Қонунчилик палатасидаги масъул кўмита, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилдаи ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзод унинг номзодини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиб ва маъқуллаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодни рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиб ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Бош вазир ва Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар юзага келган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ундан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номдан расман киритилган тақлиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала қиритилади.

Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми тегизишча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида ундан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундан Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бира истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиб ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдига ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунига қадар мамлакат Президентининг қароғига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши янги шакллантирилган Сенатнинг биринчи мажлиси ўтказилган кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига Бош вазир томонидан ёзма мурожаат бериш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ўзининг мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги тегшли қарорларни қабул қилади.

#### 7-мoдда. Бош вазирни лавозимидан озод этиш

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;
Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолият кўрсатишига тақдид солувчи, бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар юзага келганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир неча бор Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилинган тақдирда;

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқуши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббус Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг етакчи фракциялари томонидан қўллаб-қувватланса ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасида ва Сенатда овозга қўйилганда тегизишча Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари умумий сонининг ундан икки қисидан кўпрогининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Бош вазирга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинган ишонсизлик вотуми билдирилган тақдирда.

Бош вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сааб бўлади.

#### 3-бoб. Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари

#### 8-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг умумий ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодийётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чораларни амалга оширади;
вазирлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиришда ҳамда йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

www.xs.uz

/xalqsuzi.uz

@xs\_uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузаларни тақдим этади;

давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликларни, давлат кўмиталарини, идораларни ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш ҳақида тақлифлар ишлаб чиқади;

стратегик релашаштиришнинг замонавий шакллари давлат бошқаруви тизимига жорий этилишини таъминлайди;

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим ҳамда устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиялар, концепциялар, дастурлар ҳамда «йўл хариталарини амалга ошириш юзасидан чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 9-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодийёт соҳасидаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
иқтисодийёт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини ва индустриал сиёсат олиб борилишини таъминлайди;

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодийни ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришни, миллий иқтисодийни диверсификация қилиш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чоралар кўради;

иқтисодийetni бошқаришнинг бозор механизмлари жорий этилишини ва унинг асосий тармоқларини ривожлантириш стратегиялари шакллантирилишини таъминлайди;

саноатни модернизация ва диверсификация қилишни, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадвал ривожлантиришни, инновацион ишланмаларни ва энергия тейаждиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришни, шунингдек атом энергетикасини ривожлантиришни таъминлайди;

иқтисодийёт тармоқларини стратегик жиҳатдан ривожлантириш давлат дастурларини, давлат ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ва уларинг амалга оширилишини таъминлайди;

туризм индустриясини ривожлантириш ва туризм инфратузилмасини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратади;

эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва мониторинг қилишни амалга оширади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

давлат бошқаруви усулларини такомиллаштириш, шу жумладан электрон ҳукумат принциплари асосида такомиллаштириш, бозор принципларига асосланган ҳўжалик бошқаруви ҳамда корпоратив бошқарувнинг замонавий принциплари ва усуллари жорий этилишини раъбатлантиради;

қишлоқ ҳўжаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, агар секторни модернизация қилиш ҳамда жадвал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ресурсларни тежови ва интенсив замонавий агротехнологиялари жорий этиш, ер ресурслари сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;

урбанизация жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишини ва давлат ўй-жўи сиёсати амалга оширилишини, ер участкаларига нисбатан замонавий бозор механизмлари жорий этилишини таъминлайди;
эркин тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, «хуфёнёна» иқтисодийёт улүшини қискарттириш, иқтисодий жараёнларда давлатнинг иштирокчини мақбуллаштириш учун шарт-шароитлар яратади, шу жумладан лицензиялаш ва рұхсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали шарт-шароитлар яратади;

тадбиркорлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар мурожаатлари билан ишлаш, улар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш бўйича самарали тизимни жорий этиш чораларини кўради.

#### 10-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг бюджет, молия, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
бюджет, молия, пул-кредит сиёсати соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, республикари иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш прогностларини ва энг муҳим дастурларини инобатга олган ҳолда солиқ ҳамда бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишини ва бажарилишини ташкил этади;

ҳарajatларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражалардаги мутаносибликини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш чораларини амалга оширади;

самарали фискал сиёсат олиб боради, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, валюта сиёсатини либераллаштириш, валютани тартибга солишинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, шунингдек миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш чораларини кўради;

банк тизимининг барқарорлигини таъминлайди, ушбу тизимнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек сурғурта, лизинг ва бошқа молия институтларини ривожлантириш бўйича чораларни амалга оширади.

#### 11-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
ижтимоий соҳада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

таълим тизими ривожлантирилишини, унинг сифати ва самарадорлиги оширилишини, узлуксиз таълимдан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий ёрдамнинг сифати, самарадорлиги ва ҳамма учун очкилигини ошириш, аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи принципларини жорий этиш, шунингдек санитария-эпидемиология соғийошталлиқни таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда спорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширади;

иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширади, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожлантирилишини, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини, ижтимоий ва пенсия таъминоти тизимларининг ишлашини таъминлайди;

ойла, оналик ва болалиқни ҳимоя қилишга кўмаклашади, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш чораларини кўради;

ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди, фуқароларнинг ҳақиқий даромадларини ошириш, аҳолининг ўй-жўи шароитларини яхшилаш ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўради.

#### 12-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг маданий-гуманитар соҳадаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
маданий-гуманитар соҳада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади;

маданиятни, санъатни ривожлантиришга, маданий қадриятлардан кенг қўлмада фойдаланишни таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётда тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этишига кўмаклашади;
тавтар-томоша, маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда музейлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

тарихий ва маданий мероснинг муҳофиза қилинишини, мамлакатнинг бутун ҳудудига ижтимоий ҳаётнинг буюна соҳаларнда давлат тилининг ҳар томонлама ривожлантирилиши ҳамда амал қилишини таъминлайди;

хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлар билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ҳамда ривожлантириш чораларини кўради.

## 13-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
ҳудудларнинг иқтисодийетини модернизация ва диверсификация қилиш, уларнинг саноат ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб равишда ривожлантиришни таъминлайди;

иқтисодийёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани стратегик жиҳатдан ривожлантириш давлат дастурларини, ҳудудий ривожлантириш дастурларини, шунингдек ҳудудларда иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий илохотларни амалга ошириш чораларини кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг мақсади ижросини таъминлайди;

ҳудудларни, энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманларини ҳамда шаҳарларни ривожлантиришнинг иқтисобли вазифаларини самарали ҳал қилиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ишини таъминлаш чораларини кўради;

ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, шу жумладан иқтисодийёт тармоқлари ва соҳаларида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, ҳудудларда аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз ошириб борилишни таъминлашга доир илохотлар амалга оширилиши жараёнини мониторинг қилиш асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тамойилларининг комплекс таҳлилини ўтказади;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўради, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва унинг иқтисодий хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, баённома қарорлари ва топшириқларининг бажарилиши жараёнини мақсадли ўрганишни амалга оширади;

ҳудудларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим устуворликлар, иқтисодийётнинг муайян тармоқлари ва соҳаларидаги илохотларни янада чуқурлаштириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади.

#### 14-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш чораларини кўради;

табiiй ресурсларни муҳофиза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича фаолиятни ташкил этади;

табиати муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш ҳамда республика ва халқро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўбega чиқаришга доир чора-тадбирлари амалга оширади;

йирик авариялар ва халокатларнинг, шунингдек табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш чораларини кўради.

#### 15-мoдда. Вазирлар Маҳкамасининг ташки сиёсатни амалга ошириш ва халқро муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси:
Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ҳукуматлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларини тузади, Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномадан бўйича мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шартномаларнинг бошқа иштирокчилари ўз мажбуриятларини бажаришни кузатиб боради;

Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлар

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси тўғрисида (янги тахрири)

(**Давоми. Бошланishi 1, 3-бетларда.**)

**23-модда. Бош вазир маслаҳатчилари**

Бош вазир маслаҳатчилари вазифалар тақсимотига мувофиқ; ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Бош вазирга тақлифлар ишлаб чиқилишини, уларнинг экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек бунинг учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маъкамаси ҳужжатларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

Ўз ваколатлари доирасида вазирлиқлар, давлат кўмиталари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Бош вазир маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

**24-модда. Вазирлар Маъкамаси аъзолари**

Вазирлар Маъкамаси аъзолари: Вазирлар Маъкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади, шунингдек Вазирлар Маъкамаси мажлисларининг кун тартиби бўйича тақлифлар киритади;

Вазирлар Маъкамаси кўриб чиқиши учун масалалар тайёрлашни амалга оширади;

Вазирлар Маъкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маъкамасига тақлифлар киритади; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади;

тегишли вазирлиқларнинг, давлат кўмиталарининг ёки бошқа давлат бошқаруви органларининг фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Қонунчилик палатасига тақдим этилган ҳаракатлар режасини рўёбга чиқаришга, шунингдек вазирлиқлар ва давлат кўмиталари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларнинг бажарилишини баҳолашнинг асосий мезонларини ҳисобга олган ҳолда, мақсадли вазифаларни бажаришга доир чораларни амалга оширади;

Вазирлар Маъкамаси томонидан ташкил этиладиган Вазирлар Маъкамасининг комиссиялари ва бошқа ишчи органларига Вазирлар Маъкамасининг қарорига кўра раҳбарлиқни амалга оширади.

Вазирлар Маъкамаси аъзолари ўзи раҳбарлик қилаётган вазирлиқнинг, давлат кўмитасининг ёки бошқа давлат бошқаруви органининг фаолияти самарадорлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Вазирлар Маъкамаси аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

**25-модда. Вазирлар Маъкамасининг коллегал органлари**

Вазирлар Маъкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Давлат ва ҳўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича тақлифлар тайёрлаш, Вазирлар Маъкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маъкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маъкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ташкил этилиши мумкин.

**26-модда. Вазирлар Маъкамасига масалаларни киритиш ва кўриб чиқиш**

Вазирлар Маъкамасига кўриб чиқиш учун: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари – қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритиш учун; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш учун;

Вазирлар Маъкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари – қабул қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг Вазирлар Маъкамаси ваколатига тааллуқли қисми бўйича номенклатурасига ҳамда Вазирлар Маъкамасининг номенклатурасига кирадиган лавозимларга тайинлаш, тасдиқлаш, тақдим этиш, келишиб олиш учун номзодлар ва уларни лавозимдан озод этиш бўйича тақлифлар; мансабдор шахслар айрим тоифаларининг хорийиқ мамлакатларга хизмат сафарларига чиқиши тўғрисидаги, Вазирлар Маъкамаси билан белгиланган тартибда махус қилишиб олиш талаб қилинадиган тақлифлар киритилади.

Вазирлар Маъкамасида унинг ваколатларига кирадиган масалаларни кўриб чиқиш Вазирлар Маъкамаси, унинг Раёсати мажлисларида, Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари томонидан Вазирлар Маъкамаси ташкил этадиган комиссияларнинг ҳамда бошқа идораларно коллегиял органларнинг мажлисларида манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокда амалга оширилади.

Вазирлар Маъкамасига кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун билан унинг ваколатига тегишли бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган бошқа масалалар ҳам киритилади.

Мухим давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал қилиш учун Вазирлар Маъкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар Бош вазир ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчилари томонидан Вазирлар Маъкамасига кўриб чиқиш учун киритилади.

Вазирлар Маъкамасига кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маъкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

**27-модда. Вазирлар Маъкамасининг аппарати**

Вазирлар Маъкамасининг аппарати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва баённома жиҳатдан таъминлашни, Вазирлар Маъкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маъкамасининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилган «йўл хариталарини, жадаваллари, ҳаракатлар дастурларини, амалий чора-тадбирлари ишлаб чиқишни амалга оширади.

Вазирлар Маъкамаси аппаратининг ва унинг таркибий бўлиmlаларининг иш тартиби Вазирлар Маъкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низоmlар билан белгиланади.

Бош вазир, Бош вазирнинг иқтисодий тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларни бўйича ўринбосарлари ва маслаҳатчилари қотибятларининг мудирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Бош вазирнинг, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг қотибятлари, Вазирлар Маъкамаси аппаратининг таркибий бўлиmlалари иштини мувофиқлаштириш Вазирлар Маъкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

**28-модда. Вазирлар Маъкамасининг мажлислари**

Давлат бошқаруви, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади.

Вазирлар Маъкамасининг мажлислари Бош вазир ўказади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақи.

Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, зарурат бўлганда эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари иштирок этади.

Вазирлар Маъкамасининг мажлисларига зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Қонунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Бош прокурори тақлиф этилиши мумкин.

Вазирлар Маъкамасининг мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ҳам тақлиф этилиши мумкин.

**29-модда. Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар**

Куйидагилар фақат Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади:

Давлат бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидagi давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим худудларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожлантириш дастурлари лойиҳалари; давлат қимматли қўғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзини ошириш чегаралари тўғрисидаги тақлифлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартриш тўғрисидаги тақлифлар;

қатъий белгиланган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотларнинг, товарларнинг ва хизматларнинг номенклатураси;

давлатлараро шартномаларни имзолаш тўғрисидаги тақлифлар.

Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқрига ва Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг қарорларига мувофиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

**30-модда. Вазирлар Маъкамасининг мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш**

Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маъкамасининг аппарати амалга оширади.

Зарур бўлган ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маъкамаси ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширади.

Вазирлар Маъкамасининг мажлисида кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ тайёрланади.

Зарурат бўлган тақдирда анчи соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш мақсадида Бош вазир томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви худудий органлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокда худудларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлислари ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлисларини ўтказиш тартиби Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланади.

**31-модда. Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида қарорлар қабул қилиш**

Вазирлар Маъкамасининг мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Вазирлар Маъкамасининг мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома тарзида расмийлаштирилади.

Вазирлар Маъкамаси мажлисининг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Вазирлар Маъкамаси аппарати томонидан расмийлаштирилади ва тарқатилади.

Ҳукуматнинг баённома қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

**5-бoб. Вазирлар Маъкамасининг Раёсати**

**32-модда. Вазирлар Маъкамасининг Раёсати ва таркиби**

Вазирлар Маъкамасининг Раёсати Вазирлар Маъкамасининг доимий фаолият кўрсатувчи органидир.

Вазирлар Маъкамасининг Раёсати таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси киради.

**33-модда. Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар**

Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисларида: Ўзбекистон Республикаси Президенти тақлифларининг ижросини ташкил этиш масалалари;

Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритиладиган қонунлар лойиҳалари;

Вазирлар Маъкамасининг ваколатига кирадиган масалалар кўриб чиқилади, бундан ушбу Қонунга мувофиқ фақат Вазирлар Маъкамасининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар мустасно.

**34-модда. Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш**

Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисини ташкил этишни ва тайёрлашни Вазирлар Маъкамасининг аппарати амалга оширади.

Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисларида ҳар ҳафтада Бош вазир томонидан, у йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан ўтказилади.

Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Регламенти билан белгиланади.

Вазирлар Маъкамаси Раёсатининг мажлисларида қабул қилинган қарорлар баённомалар тарзида расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

**6-бoб. Вазирлар Маъкамасининг ҳужжатлари**

**35-модда. Вазирлар Маъкамаси ҳужжатларининг турлари**

Вазирлар Маъкамаси конституциявий нормалар доирасида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида барча органлар, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маъкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, Вазирлар Маъкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланунига қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маъкамасининг қарорларини, фармойишларини ва Бош вазирнинг фармойишларини бекор қилишга ҳақи.

Вазирлар Маъкамаси ўзи қабул қилган ҳужжатларининг бажарилиши устидан назоратни бевосита ёки вазирлиқлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари орқали амалга оширади.

**36-модда. Вазирлар Маъкамасининг қарорлари**

Вазирлар Маъкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маъкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирлар Маъкамасининг қарорлари, агар уларнинг ўзида кечроқ мuddат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вазирлар Маъкамасининг норматив-ҳуқуқий тусга эга қарорлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами»да, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да, «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинади, зарур бўлган тақдирда эса бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма эътиборига етказилади.

**37-модда. Вазирлар Маъкамасининг фармойишлари**

Вазирлар Маъкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари Вазирлар Маъкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маъкамасининг фармойишлари, агар ушбу ҳужжатларда бошқача қолда назарда тутилмаган бўлса, улар имзоланган кундан эътиборан қучга киради.

**7-бoб. Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар, бошқа давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлиги**

**38-модда. Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маъкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва унга ўзгатишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Вазирлар Маъкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади.

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари зарур бўлган ҳолларда ўз маълумларида Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибида эшитиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Вазирлар Маъкамаси айрим аъzosининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиши ҳамда зарур бўлганда уни истеъфого чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақлиф киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари Қонунчилик палатасининг мажлисида Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавобларни тақдим этади («ҳукумат соати»).

Вазирлар Маъкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг кўмиталари ҳамда комиссиялари мажлисларида ҳозир бўлиши ва сўзга чиқиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маъкамаси ёки унинг айрим аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиш ва тушунтиришлар беришга ҳақи.

Вазирлар Маъкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва тақлифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва тақлифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда қўйилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маъкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли кўмиталарини ва комиссияларини келишилган мuddатда хабардор қилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унга бўйсунувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятига тааллуқли бўлган парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъzosининг шундай сўрови юборилган Вазирлар Маъкамаси ёки унинг аъzosи қонунда белгиланган тартибда ва мuddатларда жавоб тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқиладиган қонун лойиҳаларини, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш борасида Вазирлар Маъкамаси аппарати таркибий бўлиmlаларининг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш, Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек қонунларнинг ижро этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маъкамасининг иштирок этишига кўмаклашиш учун Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

**39-модда. Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маъкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда унинг Администрацияси ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маъкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён этилган топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Вазирлар Маъкамаси вазирлиқлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади.

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш тўғрисида тақдимнома киритади.

Вазирлар Маъкамасининг айрим масалаларга доир ҳужжатлари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий тартибда келишиб олинадиган масалалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан белгиланади.

Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича ҳам амалга оширилади.



## ҚЎШМА КОРХОНА «ТУРОНБАНК» АТБ КЎМАГИДА ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ АҚШГА ЭКСПОРТ ҚИЛА БОШЛАДИ

Мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи ва уларни харидорларга етказиб беришчи тармоқ ва хизматларнинг ҳам ўрни катта. Мазкур йўналишда кейинги йилларда жойларда бир қатор муваффақиятларга эришилди. Булар етиштирилган маҳсулотлар нобуд бўлишининг олдини олиш, мева-сабзавотларни захирга қўйиш бўйича омборхона ва музлаткичлар ташкил этиш, энг асосийси, талаб ҳамда таклифни бозор мувозанатида ушлаб туришда ўз аксини топмоқда. Холбуки, илгари минг-минг тонна турли ноз-неъматлар ҳамда меваларимиз далада қолиб, исроф бўларди.



Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш» лойиҳаси кредит линияси маблағлари ҳисобидан «Туронбанк» АТБ 3,0 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди. Ушбу молиявий кўмак эвазига корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун ташқи бозорга етказётган маҳсулотларининг ҳажмини сезиларли даражада оширди.

дейди «Berad Agro» қўшма корхонаси иқтисодчиси Шухрат Комилхўжаев. — Ўзбекистон Республикасида экспорт қилиш учун айланма маблағни тўлдириш билан бирга, заводидаги ускуналарни бутунлай янгиладик ва ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга оширдик. Албатта, бунинг учун яратилган кенг имкониятлардан миннатдоримиз. Истиқболли лойиҳаларимиз жуда кўп ва уларни амалга оширишда, албатта, «Туронбанк» АТБ билан ҳамкорлик қиламиз.

Статистик маълумотларга кўра, айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 16,3 фоизни ташкил этади. Мавжуд 82 мингга яқин фермер хўжалиқлари 3 миллион гектардан ортиқ майдонда деҳқончилик қилиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ишлаб чиқариш саноатини сифатли хом ашё билан таъминламоқда. Шу боисдан ҳам мазкур соҳани янада тараққий эттириш, айниқса, аграр соҳа маҳсулотларини Ўзбекистон ҳудудига тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйиш муҳим масалалардан биридир. Бу борда эса «Туронбанк» АТБ фаол иштирок этиб, сугориладиган экин ва лалми ерларни фойдаланишга қайтариш, ярқисиз ҳудудларда интенсив бошлар, замонавий иссиқхоналар ташкил этишга молиявий кўмак бериб келмоқда.

Банк ахборот хизмати.  
Хизматлар лицензияланган.

### Молия муассасаларида

Шу каби жиҳатларни инобатга олган ҳолда айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этилиб, уларда экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жумладан, озиқ-овқат саноати ташкилотлари юқори технологияларга асосланган йирик ишлаб чиқариш объектларига айлантирилиб, аҳолининг овқатланиш сифати анча яхшиланмоқда, истеъмол маҳсулотлари тузилмаси ҳам ўзгармоқда.

Бу каби ижобий саъй-ҳаракатларга «Туронбанк» АТБ мижози ҳисобланган «Berad Agro» қўшма корхонаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида жойлашган завод мева-сабзавотларни қайта ишлаб, Америка Қўшма Штатлари, Европа ва МДХ мамлакатларига экспорт қилиш билан шуғулланади. Сифатли хом ашё базасини таъминлаш мақсадида компания 2500 гектар экин майдонига экологик тоза ва табиий маҳсулотлар етиштириб келмоқда. Қуритиш-тозалаш ишлари эса Италия давлатидан келтирилган замонавий «Сандвик» линияси орқали амалга оширилади. Хусусан, сўнгги русумдаги лазер-оптик

эриткич, рентген аппарати ва ҳаво ажраткич ёрдамида маҳсулотлар ўз сифатини йўқотмаган ҳолда тайёрланади.

Таъкидлаш керакки, «Berad Agro» брендининг қуритилган мевалари ўз таркибига кальций, магний, те-



мир ва бошқа фойдали моддаларни жамлагани билан хориж бозорларида жуда харидордир. Айниқса, улар орасида қуритилган узумга талаб катта. Сабаби Ўзбекистонда етиштириладиган бошқа экинлар орасида узум алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимизнинг ўзига хос табиий иклими ҳамда унмудор тупроқ шароити юқори шакар тўпланувчи ва яхши таъмга эга навларнинг етилишига ёрдам беради.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, компания юкларни темир йўл, автомобиль, денгиз ва ҳаво транспортида ташиш бўйича ҳам хизматларни тақдим этади. Хусусан, бу бўйича Болтиқбўйи давлатлари, Европа ва Хитойнинг йирик юк ташувчилари билан тўғридан-тўғри шартномаларга асосланган ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

### КАФОЛАТ 12 ОУ УЗЛУКСИЗ ИШЛАШИГА, 5 ЙИЛ БЕПУЛ ХИЗМАТ

#### САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ!

100

дарддан халос этувчи ноёб даволаш профилактика ускунаси

Электр сандал «PGS-032» (танча) табиий ва экологик тоза материал — сополдан ясалган ноёб ускуна.

Маълумки, сопол иссиқни яхши сақлайди ва инсон танасига хуш ёқади, турли касалликларни даволовчи, олдини олувчи таъсир кўрсатади.



MANUSILOT SERTIFIKATLANGAN. Тел.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz

## «TOW Co., Ltd»

қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

www.uztow.com

Маҳсулотлар сертификатланган.

### «Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

## МИКРОКРЕДИТБАНК

акциядорлик тижорат банки

### «Кундан кун яхши»

янги омонат тури

17%  
19%  
21%

## 5 кундан 90 кунгача

[mikrokreditbank.uz](http://mikrokreditbank.uz)

[mikrokreditbank.uz](https://www.instagram.com/mikrokreditbank)

[t.me/mikrokreditbank](https://t.me/mikrokreditbank)

[@mikrokreditbank](https://www.facebook.com/mikrokreditbank)

**71-202-99-99**

Хизматлар лицензияланган.

## «C and H Industry» МЧЖ ХК

Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

**VOLVO махсус қурилиш техникалари**

Ғилдиракли экскаваторлар

Занжирли экскаваторлар

**SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига кириди)**

Фронтал юклагичлар

Экскаватор-юклагичлар

Автогрейдерлар

Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат мuddати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

**Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.**

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама**

БИЗНЕСНИНГИЗНИ Қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 664 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўяллар 71-232-11-15.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.  
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза яқуни — 21.05 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6